ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 6 декабрь, якшанба • № 146 (24.383).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Ватан мукофотлари топширилди

Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллик байрами арафасида Президент Ислом Каримов Фармонига кўра, давлат ва халқ олдидаги хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган ҳиссаси, илм-фан, маданият ва таълимни ривожлантириш йўлидаги ютуқлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Бу мукофотларни яна бир қутлуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида топшириш ҳам яхши анъанага айланди.

5 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

— Давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида қувончли кунда фидокорона меҳнат билан эришган ютуқлар туфайли юртимиз салоҳиятини, обрўсини, илму фан ва санъат шуҳратини бутун оламга таранум этган сиз каби инсонларни табриклаш ва сизларга Ватан мукофотларини топшириш мен учун катта шараф, — деди Президент.

Давлат раҳбарларининг асосий бурчи — одамларнинг ташвишлари, дарду ҳасратларидан хабардор бўлиш, уларнинг кўнглини кўтарадиган, ишончини мустаҳкамлайдиган ечимларни топиш, ҳар бир инсонга эътибор бериб, унинг тақдирига шерик бўлиб, руҳини кўтариб, оғирини енгил қилиш эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати «Қолмақир» кони экскаватор машинисти Жонсаид Турдиев ва «Сирдарёжамқурилиш»га қарашли 49-кўчма механизациялашган колонна бригада бошлиғи Анвар Курбоновга Ватанимизнинг Олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин юлдуз» медалларини топширди.

Қишлоқ хўжалиги, саноат, фан, маданият, маориф, санъат ва спорт соҳалари намояндалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан бир гуруҳи йўлбошчимиз қўлидан юксак мукофотларни олдилар.

Маълумки, Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон давлатчилигини барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятида миллатимиз обрўсини юксалтириш, фуқаролар тинчлиги ва умуммиллий тотувликни мустаҳкамлаш, маданий қадриятларни асраб қолиш ва ривожлантириш борасидаги буюк хизматлари учун Президент Ислом Каримовни «Амир Темур» ордени ва «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов йиғилганларнинг олқишлари остида ана шу мукофотларни давлатимиз раҳбарига топширди.

Президент Ислом Каримов билдирилган юксак ишонч учун чин қалбдан миннатдорлик билдириб, бутун борлиғини халқимизга, Ватан равнақига, озод ва обод юрт келажагига бахшида қилажаклигини изҳор этди. Сизлар билан бирга мана шу кунларга етганимдан, озодлик ва мустақилликка эришганимиздан, Ўзбекистон довруғи бутун дунёга таралганидан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан. Шу юрт учун ҳар қанча хизмат қилсак, ўзимизни бахшида этсак арзийди, деди йўлбошчимиз.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Абулқосим Тўйчиев, Абдулла Орипов, Зиёд Есенбоев, Абдулҳақ Абдуллаев, Берта Давидова, Лина Черязова, Одил Ёқубов, Шуҳрат Аббосов, Гулнора Маҳкамова, Артур Григорян, Муножат Йўлчиева, Восил Қобулов ва бошқалар ўз меҳнатлари бундай юқори баҳолангани учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, давлатимизнинг келажаги учун бор куч-ғайратларини аямасликларини изҳор этдилар.

Президент Ислом Каримов йиғилганларни яна бир бор табриклаб, Ватан мукофотлари уларнинг ўзига, оилаларига, дўст-биродарларига бахт-саодат келтиришини тилади.

Маросимда Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА)

Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Ватанни севмак иймондандур!

1999 ЙИЛ - АЁЛЛАР ЙИЛИ БЎЛАДИ

Юртимиз байрам либосида. Ҳар бир қалбда кўтаринкилик, хуш кайфият ҳукмрон. Халқимиз Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг олти йиллигини кенг нишонламоқда.

5 декабрь куни Тошкентда шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Муҳташам «Туркистон» саройига Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, пойтахтимиз меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари йиғилдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти тўғрисида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилишда нутқ сўзлади.

Йўлбошчимиз ўз сўзида Асосий Қонунимиз назарий-ҳуқуқий ҳужжат — бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки ҳаётимизни фаровон этиш, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни таъминлаш, жамиятда адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаи эканлигини таъкидлади.

— Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим. Қонун каттаю кичик, жинси, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, барчамиз учун устувор бўлмоғи керак, — деди Ислом Каримов.

Маълумки, мамлакатимизда 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, 1998 йил эса Оила йили деб эълон қилинган эди. Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини айтганида, залда ўтирганлар уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

Келгуси йилни Аёллар йили деб эълон қилишимизнинг ўзига хос сабаблари бор, деди йўлбошчимиз. Аввало бу Инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўпдан-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг мантиқий давоми бўлади. Чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиш қийин. Оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак. Албатта шу масала бўйича кенг кўламда дастур қабул қилиниши лозим.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий ҳаваскорларининг катта концерти билан тугади.

(ЎзА)

Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи

Президент Ислом Каримовнинг Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар, қадрли дўстлар!

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, сиз орқали бутун халқимизни катта байрам — Конституция куни билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Конституциямиз, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ҳақида, унинг ўрни ва аҳамияти, маъно-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан:

— унинг давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар қандай инсон саъй-ҳаракатларини, уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб ва чегаралаб берувчи Қомус сифатидаги жиҳатлари ҳақида;

— Констутициямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ва фармонларнинг ҳукмронлигини, Конституциямиз олдида барчамизнинг тенглигимиз ва масъулиятимизни таъминлаш масалалари, бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг ўзига хос ва ўзига мос бошқа хусусиятлари ва аҳамиятлари ҳақида алоҳида таъриф ва тарғибот қилиш зарур, албатта.

Лекин, Конституция кунини нишонлашда ва умуман Конституциямиз ҳақида гапирганда, унинг ўзида мужассамлаштирган хосиятлари ва хусусиятлари тўғрисида эмас, **балки Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши ҳақида кўпроқ гапирсак ўринли бўлади, деб ўйлайман.**

Масалани кенгроқ қўяйлик.

Келажаги буюк давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий топган давлат ва халқларнинг ҳаёти даражасига кўтарилиш каби эзгу ниятларимиз аниқ ва равшан бўлса, кўпчилик халқимиз ва жамоатчилигимиз шу мақсадларга эришиш учун астойдил бел боғлаган бўлса, табиий бир савол туғилади:

Нима учун, нега шу мақсад-келажагимизга етиб бориш йўлини кўрсатиб берадиган, кўпгина махсус ва атрофлича синовлардан ўтган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларимизни ҳаётга татбиқ этиш ўта қийинчилик билан бормоқда? Бунга нима сабаб?

Ўйлайманки, бундай изтиробли саволлар мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси виждонли одамни қийнаб турғандир.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, керак бўлса, ҳисобот берганда, мен қуйидаги масалаларга эътиборингизни жалб қилишни истардим.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бундай вазият, фикримча, бизнинг яқин ўтмишимиз билан, шу даврда шаклланган табиатимиз билан боғлиқ.

Кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай эди? Қонунни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши ва ҳуқуқий тарбия ҳақида умуман гап бормиди ўзи?

Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилса-ю, коммунистлар ўз уставига амал қилса, бундай тузумда қонун устуворлиги ва адолат ҳукмронлиги бўлиши мумкинмиди?

Сир эмаски, аксарият кўпчилигимиз мана шу ижтимоий вазиятда, яъни қонун ва қонун талабларини камситиш муҳитида тарбия топганмиз, суягимиз ана шу шароитда қотган. Шунинг учун ҳам аксарият кишиларимизнинг қонуннинг ягона устувор куч эканини тан олиши ҳам, қонун олдида барчанинг тенг ва баробар эканига қўникиши ҳам ниҳоятда қийин кечмоқда. Биз эски тузум асорати деганда айни шу ҳолатни назарда тутамиз.

Бу муаммонинг яна бир қирраси борки, у ҳақда гапирмасдан бўлмайди.

Минг афсуски, Конституциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб **инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳуқуқий-маъмурий идоралар фаолиятида ўз тасдиғи ва ижросини тўлиқ тополмаяпти.**

Лўнда қилиб айтганда, **амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини кўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари ҳуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда.**

Ахир, давлат деган тушунча нима учун керак? Авваламбор инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, унинг тинч-тотув ҳаёти ва келажагини ташкил этиш ва ҳимоялаш каби улуғвор мақсадларга хизмат қилиш учун эмасми?

Агарким ижтимоий ва сиёсий, керак бўлса, иқтисодий ҳаётимиз олдимизга қўндаланг қўйётган мана шу масалани замон талабларига, демократик тамойилларга қараб тўғри ҳал қилмасак, кундалик фаолиятимизга татбиқ этмасак — барча баландпарвоз гапларнинг ва шиорларнинг маъноси ўзи йўқолади.

Бундай ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз даркор. Бошқа иложимиз ва йўлимиз йўқ, азиз дўстлар!

Таассуфлар бўлсинким, баъзан қонун чиқарувчиларнинг ўзи, уни ҳимоя қилувчиларнинг ўзи қонунларни назар-писанд қилмасдан, уларни оёқости қилса, бу албатта халқнинг, оддий фуқароларнинг ҳақли эътирозлари ва қаҳр-ғазабларига сабаб бўлади. Яқинда бўлиб ўтган Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида муҳокама қилинган масалаларни яна бир бор эсласак, кўп нарса аён бўлади.

Ҳаётимизда қонун талаблари бузилиши ҳолатини вужудга келтирувчи бош сабаб — яна бир бор айтишга тўғри келади — ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар — маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимиздаги таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изоҳлаш мумкин.

Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун устидан қонунчи, маъмурий идоралар устидан назоратчи, назоратчи устидан яна назоратчи ўтқазиб қўйиш ҳеч қачон самарали натижа бермайди.

Қўпол бўлса-да айтмоқчиман: бундай тажриба фақатгина зўравонлар, порахўрлар ва таъмагирлар сонини кўпайтиради, холос. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мен кўп бор айтганман, ҳозир яна бир карра такрорламоқчиман: **давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, мавжуд салбий иллатларни йўқ қилиб бўлмайди.**

Бундай назоратни ташкил қилишда, жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан бирга, авваламбор фуқаролар ва жамоатчиликнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари олиб бориши, ҳақиқат ва адолат учун курашга қаттиқ бел боғлаши лозим.

Яна бир муҳим ва ҳал қилувчи муаммо ҳақида кўп гапирамиз, лекин бу масалада амалий силжишлар жуда сусткашлик билан бормоқда.

Одамларимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очиғини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз.

Мана шундай ҳолатда, аввало, тараққий топган давлатлар тажрибасига назар ташласак уларда одамлар адвокат ва адвокатура идорасига кўпроқ мурожаат қилади.

Яқинда, Олий Мажлиснинг бўлғуси сессиясида, Президент девони ташаббуси билан киритилган адвокатларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш ҳақидаги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилади. Ўйлайманки, бу ҳам одамларнинг ҳуқуқий савиясини оширишда муҳим қадам бўлиши даркор. Токи, **одамлар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан фойдалана оладиган бўлсинлар.**

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида **биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим.**

Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, - барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!

Муҳтарам дўстлар!

Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади.

Шу боис ҳам бу масалалар давлатимиз сиёсатининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, ўтиб бораётган 1998 йилнинг эса Оила йили деб эълон этилгани ва шу мақсадда махсус ҳукумат дастурлари қабул қилингани катта маънога эга.

Ҳадемай бизга кўпдан-кўп шодлик ва қувончлар, шу билан бирга турли хил ташвиш ва муаммолар олиб келган 1998 йил поёнига етади. Яъни, Оила йили ҳам якунланади. Хўш, ўтган давр мобайнида ҳукумат дастурини бажариш юзасидан нима ишлар қилинди?

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бу борада талайгина салмоқли ишлар бажарилди.

Биз оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур.

Оила масаласига жамиятимизда бу қадар катта аҳамият берилаётганининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биз оилани хўжакўрсинга кўтар-кўтар қилиш, уни қандайдир этнографик ёдгорлик сифатида кўз-кўз қилиш ниятидан мутлақо йироқмиз.

Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажагимизни қураётганда беқиёс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз. Чунки ўзлигимизга қайтиш, миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Ишонаманки, бундан буён ҳам ота-боболаримиздан қолган, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган, бугунги кун талабларига ҳам жавоб берадиган эзгу анъаналарга содиқ бўлсак, Оллоҳ таолонинг ўзи бизга инъом этган миллий ўзлигимизни қайтадан тикласак, бу билан доимо ғурурланиб, айни вақтда шу эътиқодимизга масъул бўлиб яшасак, иншооллоҳ, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Қани энди, шу оддий ҳақиқатни инсоф ва диёнатни унутган, халқимизнинг асл табиатига зид бўлган турли нопок ишларга қўл ураётган кимсалар ҳам тушунса!..

Бунинг учун эса ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, имон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд-прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди.

Фуқароларимиз тафаккурида ана шу олий туйғуларни тарбиялаш, яъни бошқача айтганда, **инсонга инсонлигини англатиш** — бизнинг мафкура ва маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий мазмунига айланиши керак.

Мана шуларнинг барчасини эътиборга олиб, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ҳаётимизда оиланинг ўрни, маъно-моҳияти, таъсирини кучайтириш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамни келгусида ҳам аямаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биз Янги йил арафасида турибмиз. Бошлаган ижобий ишларимизни Янги йилда ҳам изчил давом эттиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бизнинг белгилаб олган буюк мақсадларимиз ва улуғвор режаларимиз, олга қараб қўяётган қадамларимиз бир-бири билан узвий боғлиқ. Бугун тараққиёт ва фаровонлик йўлида амалга ошираётган ишларимиз эртанги ёруғ кунимизнинг пойдеворидир.

Биз Янги йилдаги вазифаларимизни белгилар эканмиз, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожланиш режаларини тузар эканмиз, эришган ўсиш суръатларимиз келгуси йилда бу йилгига нисбатан янада юксак ва самарали бўлишига, халқимизнинг эртанги турмушини янада ёруғ қилишига интиламиз.

Бу режалар йил охирида бўладиган Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида муҳокама қилиниб, барчамиз учун фаол ҳаракат дастурига айланади.

Очиқ айтишим керак: янги йилда белгиланган мақсадларга эришиш, турмуш даражасини янада кўтариш учун барча имкониятларга эгамиз. Лекин, шу билан бирга, бизни кутаётган баъзи бир хавф ва муаммолар ҳақида ҳам огоҳ бўлишимиз даркор.

Янги йилда бизга энг катта хавф ва зиён етказиши мумкин бўлган муаммо атроф-қўшни давлатларга етиб келаётган Россиядаги молиявий бўҳрон таъсири ва улар ўзлари сабабчи бўлган иқтисодий инқироздир. Қўшни давлатларда нарх-наво ўсиб бориши ҳақида кўпчилик хабардор деб ўйлайман. Бундай хавфнинг олдини олиш, юртимизни бундай офатлардан сақлаш — бугунги ва эртанги кунимизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифаси десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу масалаларни ечиш учун керакли чораларни бугун кўришимиз, барчамиз сезгир бўлишимиз даркор. Олга силжишимизга халақит бераётган салбий иллатлар, эски замон асоратларидан жудо бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизни оқилона ташкил этиш учун Янги йилда ҳам ҳар биримиздан зўр қуч-ғайрат, азму шижоат билан меҳнат қилиш талаб этилади.

Шу билан бирга биз **келгуси йилда маънавий ҳаётимизни янгиловчи, халқимизни бирлаштирувчи, керак бўлса, уни илҳомлантириб-руҳлантирувчи асосий мақсад, асосий ғоямизни ҳам аниқ белгилаб олишимиз зарур.**

Қадрли дўстлар!

Мен 1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ўйлайманки, мана шу залда ўтирганлар ҳам, бутун халқимиз ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Келгуси йилни Аёллар йили деб эълон қилишимизнинг сабаби нимада?

Аввало бу Инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўп-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг мантиқий давоми бўлади. Чунки **Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.**

Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин. Мен инсонни инсон қиладиган ҳам, майиб-мажруҳ, бахтиқаро қиладиган ҳам оиладир, деган фикрни айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб айтиш мумкинки, **Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот — бу Аёлдир.**

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Чиндан ҳам, аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир.

Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, **ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули** деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Қаҳрамон шоиримиз Абдуллажон Орипов айтганидек:

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.

Муҳтарам дўстлар!

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Бежиз эмаски, Шарқда Аёлни фаришталар қиёс қилишади. Чунки фаришталар Оллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда.

Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл — аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

Аввал айтганимдек, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Шундай экан, **ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қилади, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб воғга етказади?**

Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади.

1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қилар эканмиз, аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш - давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Албатта, шу масала бўйича кенг кўламда дастур қабул қилишимиз керак.

Азиз юртдошларим!

Ишончим комилки, **Янги йилимизни мунис ва дилбар аёлларимиз тимсолида Нафосат йили, Гўзаллик йили, Меҳр-муҳаббат йили деб аталиши маънавиятимизга янгича мазмун ва тус беради, маънавий ҳаётимизда янги муҳим босқич бўлиб қолади.**

Барчангизга, сиз орқали бутун меҳнаткаш ва заҳматкаш, бағри кенг халқимизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат тилайман.

Банк ва... анжир қиёми

ёки «Пахта банк» Фарғона вилоят бўлими бошлаган хайрли ташаббус ҳақида

Банкнинг анжир қиёми ёки гилос шарбатига қанчалик алоқаси бўлиши мумкин? Бунинг устига қиём ва бошқа мевалар шарбатини ишлаб чиқарадиган консерва корхоналари банк таъсир доирасидан четда бўлса? Ҳаммаси, Фарғонанинг машҳур анжирзорлари жойлашган Бувайдадан бошланди. Бувайдада йилига минглаб тонна сархил анжир етиштирилади. Бу ернинг намга бой тупроғи анжирни суяди. Шу боис ҳам водийдаги дастлабки, фақат анжир қиёми ишлаб чиқарадиган корхона ҳам Бувайдада қурилган эди. «Пахта банк» вилоят бўлими бошқарувчиси Расулжон Шаропов юмуш билан Бувайдага борди-ю туман ҳокими О. Эргашев билан суҳбатлашиб қолди.

— Туманда шу кунларда кунига 20 тоннадан ортиқ анжир чиқяпти, — деди ҳоким ташвиш билан — одамлар қурби етганича Тошкент, Қўқон бозорларида сотишади. Аммо, шундай ноёб меванинг катта қисми нобуд бўлиб кетяпти.

— Сабаб?

— «Оққўрғон» жамоа хўжалигида 1986 йили йилига 500 минг банка анжир қиёми ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий корхона қурилган эди. Аммо, айланма маблағлар етишмаслиги боис, 1996 йили корхона фаолияти тўхтаб қолди. Шу орада покистонлик тадбиркорлар ҳам корхона билан қизиқиб кўришди. Бироқ, турли сабаблар туфайли ҳамкорлик амалга ошмади..

Шу куни Р. Шаропов марказга қайтгач, қўл остидаги мутахассисларга вилоят шаҳарлар ва туманлардаги айланма маблағ етишмаслиги туфайли бекор турган қайта ишлаш корхоналари ҳақида маълумот йиғишни топширди. Бу маълумотлар тўплангач, банк ходимлари кўз ўнгида ташвишли манзара намоён бўлди. 80-йиллар охирлари, 90-йиллар бошларида колхоз ва совхозларда кўплаб консерва, бетон тайёрлаш, ёғочни қайта ишлаш, ғишт ва оҳак цехлари қурилган эди. Афсуски, кейинги йилларда уларнинг аксарияти ишламай қолган. Айримларининг қурилиши ниҳоясига етмаган, баъзиларида эса зарур хомашё, маблағ етишмасди... Масалан, Риштон туманидаги агросаноат уюшмасига қарашли мева консерваси ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехни тўлиқ ишга тушириш учун 15 миллион сўмлик харажат талаб қилинарди.

Бувайдадаги «Оққўрғон» жамоа хўжалигига қарашли консерва цехини ишлатиш учун 5 миллион сўм кредит талаб қилинарди. Тошлоқдаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги консерва цехи ҳам шиша банка, қопқоқ, шакар сотиб олиш учун пули йўқлиги сабабли тўхтаб ётибди...

Тап-тайёр корхоналар дастгоҳларини занг, ҳудудини ажриқ босяпти... Ўнлаб одамлар ишсиз...

«Пахта банк» вилоят бўлимида ана шундай корхона ва цехларга кредит ажратиш режаси тузиб чиқилди. Бироқ битта шарти билан: цех ёки жамоа хўжалиги маъмурияти ўз маҳсулотига олдиндан харидор топиб, бу ҳақда банкка кафолат хати беради! Расул Шаропов пулни бекорга совурмайди. У цехни ҳам ишлатади, айни пайтда кредитдан фойда ҳам олиши керак!

Бувайдадаги «Оққўрғон» жамоа хўжалиги консерва цехи ва «Ўзбекистон» матлубот ҳиссадорлик жамияти мева консерваси цехини ишлатишга ажратилган кредит маблағлари дарҳол самара берди. Кредитларни олгач, «Оққўрғон»даги цех ишга тушди. Қисқа муддатда 20 минг банка анжир мураббоси ишлаб чиқарилди, цехда 30 та иш ўрни ташкил этилди. «Ўзбекистон» матлубот жамияти консерва цехида ҳам ишлар юришиб кетди. Шу йил август сентябрь ойидаёқ салкам 60 минг дона анжир мураббоси ишлаб чиқарилди. 24 та янги иш ўрни ташкил топди. «Пахта банк»дан кредит олган бошқа цехларда ҳам қисқа муддатда шундай ижобий ўзгаришлар амалга ошди.

Ҳа, тўхтаб қолган цехлар ишга тушди, одамлар иш билан таъминланди, энг муҳими мева исрофгарчилигига барҳам бериляпти.

Манфаатли ҳамкорлик қувончли самара бермоқда. Мамлактимиз миқёсида юзлаб ана шундай кичик қайта ишлаш корхоналарининг маблағ етишмаслиги боис бекор турганлиги бор гап. Шундай экан, берилган кредитларнинг фойда билан қайтарилиш кафолати олингач уларга қарз бериш ҳар томонлама фойдалидир.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Аччиқтош

Деновлик тижоратчилар нега сарсон?

Мана бир неча йилдирки, деновлик тижоратчилар ўз бозорларига эга бўлолмай сарсон. Улар савдо-сотиқ қолиб, кўчиш билан овора. Дастлаб тижорат савдоси шаҳар марказидаги Кўрғонда бўларди. Орадан кўп вақт ўтмай, Қизил сув дарёси бўйидаги тошлоқ жойга, яна бироз вақт ўтгач эса молбозорга кўчирилди. Шундан сўнг эҳтиёт қисмлар сотиладиган бозорга, Шохбекатга ва яна Қизил сув дарёси бўйига кўчирилди. Бу саноқни узоқ давом эттириш мумкин.

Хўш, тижоратчилар қачонгача шундай савдо қилишади? Ҳозирги «бозор» деб ном берилган асфальт йўлнинг икки юзида турнақатор бўлиб ўтирган сотувчиларни кўриб ачинасан, киши! Бу ерда техника воситалари қатнови бир муддат ҳам тўхтамайди. Чанг-тўзон, кимдир қопини орқалаб, қулай жой тополмай сарсон, бошқа биров машина уриб кетмасин, дея ўзини четга олади. Ерга ёйилган буюмлар чанг. Сотувчиларнинг шундоққина орқасидаги уюм-уюм ахлатларни кўриб кўнглингиз хижил тортади. Хуллас, Денов тижорат бозорининг аҳволи уззукун шундай.

— Бу ҳақда туман раҳбарларига бир неча марта мурожаат қилдик, — дейишди сотувчилардан С. Сафарова, Т. Наврўзова, С. Бўриев, М. Ортиқов ва бошқалар. — Лекин ҳанузгача жавоб йўқ. Охири, чарчадик. Улар бизни кўчиришни билади, холос. Бугун мол бозорига, эртага Қизил сувга...

Мана, етти йилдан ошдики, мамлакатимизда улкан заводу фабрика, осмонўпар кўркам биноларга қурилмоқда. Пойтахтдаги бозорларни кўрсангиз ҳаваонгиз келади. Шундай экан, нега Деновда тижорат бозорини қуриш мумкин эмас?

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб шунга айтсалар керак. Мақолани чоп этиш арафасида Деновдан яна «хушхабар» келди. Тижоратчилар Қизил сув дарёси бўйидан машина эҳтиёт қисмлари сотиладиган ташландиқ, тошлоқ жойга кўчирилибди. Изоҳга ҳожат бўлмаса керак!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Жамият, инсон, ҳуқуқ

Омбудсман — инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси

Ўзбекистон Республикаси Омбудсмани Сайёра Рашидова билан мулоқот

Инсон ҳуқуқлари ҳақида гапиришдан олдин бугун мустақил мамлакатимиз фуқаролари инсон ҳуқуқлари деганда нимани тушунадилар, қандай тушунадилар, янаям аниқроғи, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиларми, зарур пайтда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиларми, деган саволларни бироз ойдинлаштириб олиш жоиз кўринади. Чунки, ҳозирги жамиятимизда ҳанузгача шўро тизимидан қолган асорат — ўз ҳуқуқини талаб қилиб лозим идораларга оғзаки ё ёзма мурожаат қилишдан чарчамайдиган одамларга «ёзувчи» дея шубҳали паст назар билан қараш иллати ҳамон сақланиб қолмоқда. Аслида бу мустабидлик сиёсатини юритиш йўлида ҳар қандай ёлғон-яшиқдан жирканмаган, асоссиз, қалбаки далиллар, эгаси номаълум хатларни баҳона қилиб истаган одамини бадном қилишни одат билган шўро салтанатининг сарқити. У салтанат учун ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиганлар керак эмасди, ўз ҳуқуқини талаб қилишга чоғи келадиган ақл эгаларига нафрат билан қарашга ўргатилганлар керак эди...

Бир мисол.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсманга яқинда Фарғонадан бир шикоят келди: Айнан ана шундай «ёзувчи» ўзининг Конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этган. Номадаги фожиали хабар — у кишининг турмушга узатган қизи тўйдан кейин икки ой ўтмасдан жонига қасд қилгани Омбудсман ҳузуридаги Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини назорат қилиш комиссияси аъзоларини вилоятга жўнашга ундади. Жойига бориб синчиклаб ўрганишдан маълум бўлдики, у киши ўзи яшаб турган ҳудуддаги жамоа хўжалигида рўй бераётган қинғир ишлар, суиистеъмолликлар ҳақида керакли идораларга ёзган. Идоралар шикоятни нима қилади? Аксар ҳолларда ўша туманга жўнатади — текшириш натижаси тўғрисида жавоб бериш учун. Идорага силлиққина жавоб йўлланади. Арзимас камчиликлар бор, ўғриликлар ҳақидаги гап ёлғон. Фалончи ўзи бўлмағур «ёзувчи» одам. «Ёзувчи»нинг эса уйғоқ виждони бундан қаноатланмайди, яна бошқа идорага ёзади. У идорага ҳам юқоридаги жавобнинг нусхаси боради. Чунки... қинғир ишга қўл урган жамоа хўжалигининг раиси туман ҳокимининг қариндоши...

Икки ўртада ўз ҳуқуқини танийдиган, давлат, халқ манфаати учун жон қуйдирадиган амалдорларнинг қинғир ишини кўрганда чидаб туролмайдиган фуқаро «ёзувчи» бўлди-қолди. Унинг ёзганлари «тасдиқланмагандан» кейин, у туҳматчи-да...

Энг ёмони, ўша қишлоқ, туманда «ёзувчи» деган бу сўз халқ орасида тавқи-лаънатдек қабул қилинади, шундай тушунилади, шундай тавсифланади.

Шундай қилиб, 51 кунлик келинчак, «ёзувчи»нинг қизисан» деган тавқи-лаънатга чидолмай ўз жонига қасд қилади.

Омбудсман ҳузуридаги комиссия аъзолари гуруҳи у қишлоққа борганида «ёзувчи»нинг суди устидан чиқишди. Бировни урди деб «безорлик»да айбланиб, суд қилинаётган экан. «Ёзувчи»дан қутулиш керакда, ахир, қачонгача ёзавериб «халқнинг» (аслида уч-тўртта тўраларнинг — Ҳ.О) тинчини бузади!

Комиссиянинг суд жараёнида иштироки натижаси бўлса керак, «ёзувчи» шўрлик қамалишдан қутулиб қолди...

Бу иш бўйича текширувлар ҳали ниҳоясига етгани йўқ, шу сабабли исм-шарифи ва манзилини кўрсатмадик.

Мухбир: — Сайёра Шарофовна, юқорида Сизнинг идорангиз шуғулланган шикоят хати мисолида инсон ҳуқуқи ҳақида фикр юритдик. Рухсат этсангиз, бу мавзуни мен ҳам яқинда муҳарририятимизга келган бир шикоят хати тафсилоти билан тўлдирсам.

Сайёра Рашидова: — Марҳамат.

М: — Наманганлик Мухторжон Қориев ички ишлар ва прокуратура органлари томонидан ўғли Иномжон Қориевни жиноий жавобгарликка тортишда ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилгани ҳақида ёзган. Вилоят прокурорининг ўринбосари шикоят хатини қўлга олиб, унинг муаллифи фамилиясини кўрибок, «А-а, Қориевми, биламан буни» деб хатни ижирғаниб столга ташлади. Савол-жавобимиз жиддийроқ тус ола бошлаганда мен Қориевнинг ўзини шу ерга чақиришни таклиф қилдим. Прокурор ўринбосари хоҳламайгина рози бўлди.

Хоҳламаганича бор экан: бир соатча суҳбат давомида мен шикоят муаллифини бир неча марта тартибга чақиришимга тўғри келди. Чунки у қизишиб, вилоят прокурорининг ўринбосарига бақиришгача бориб етаётган эди. Лекин, биласизми, гапириш оҳангини ҳисобга олмаса, гапираётган, талаб қилаётган нарсаларининг кўпи тўғри ва қонуний. Ўғлини айблашда ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйган милиция ва прокуратура ходимларидан бир неча киши жазоланган — яъни вазифасидан четлаштирилган, лавозими пасайтирилган. Энг қизиғи, бир тумандан четлаштирилган терговчи бошқа туман ички ишлар бўлимига аввалги лавозимга тайинланган. Бошқа яна шунга ўхшаш ҳолатлар. Мухторжон ака, нафақадаги шифокор, бошига иш тушгач, жиноят қонунларини «сув қилиб ичиб юборган» қотмагина бу одам, энди ана шу ноқонуний ҳаракатга йўл қўйганларга чора кўрилишини талаб қилиб, турли идораларга ёзишда давом этмоқда. У ҳам «ёзувчи» деган қора ном олган, айниқса, маъмурий органлар ходимлари орасида.

Б. Пинхасовнинг кабинетидаги суҳбат давомида уни тартибга чақиришдан чарчаб менинг ўзимда ҳам у одамга нисбатан нохуш тасаввур пайдо бўла бошлади. Сабаби, биз ҳам шўро жамияти идеологиясида тарбия олганмиз-да. Сўнг нохуш фикрни қувиб, Мухторжон акага қараб туриб ўзимга савол бердим: бу киши биз кўпчилигимиз ҳазар қиладиган «ёзувчи»ми ёки ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, қонунбузарликларга, инсон ҳуқуқининг поймол қилинишига муроса қила олмайдиган ҳозирги замон кишиси, бугунги даврга айнан керак одамми?

Ва, ўзимча жавоб топгандек бўламан: агар ҳамма ҳам шу одамга ўхшаб ҳақ-ҳуқуқини таниган бўлганида, жамиятимизнинг олға қараб силжиши, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш жараёни бирмунча жадаллашган бўларди.

С. Рашидова: — Катта масалани қўйдингиз. Мен ҳам бу ҳақда жуда кўп ўйлайман. Келаётган мурожаатлар, шикоятлар айнан мана шу қусур — айниқса, қишлоқ жойларда оддий меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқий саводи зарур даражада эмаслиги оқибатида маъмурий органлар ходимлари томонидан баъзан қўнглининг кўчасига келган ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда. Яъни фуқаронинг ҳуқуқий саводсизлиги натижасида амалдорнинг ноқонуний ҳаракати жазосиз қолиши кейин яна кўп қонунсизликларнинг туғилишига сабаб бўлади. Яқинда Самарқанддан бир шикоят келди. Тракторчи йигитни қотилликда айблаб ҳибсга олишган. Йигит камерада ўлган, ўзини осиб қўйди, деб важ кўрсатишган. Хотини бечора, «агар у ўзини осган бўлса юзи ва баданидаги кўкарган моматалоқлар қаердан келган», дейди фиғони чиқиб. Қишлоқчилик, яна ўша ҳуқуқий саводсизлик, экспертиза қилдирмай нари-бери кўмиб юборавершган. Энди буни текшириш учун мурдани қайта олиш керак, прокуратура билан ҳамкорликда текширамиз бу мурожаатни, бошқа илож йўқ. Боринг ана, ўзини осгани исботланган тақдирда ҳам бунинг учун органдаги айбдорлар ўзининг жазосини олиши керак.

М: — Сайёра Шарофовна, прокуратура билан ҳамкорликда дедингиз. Нега мустақил текширолмайсизлар, кучингиз етмаганларни ёки қонуний ҳуқуқинглар йўқми бунга?

С.Р.: — Қонуний ҳуқуқимиз йўқ. Бу саволингиз билан Омбудсманнинг ҳуқуқлари ва жамиятдаги ўрни ҳақида гапириб беришга ундаяпсиз. Омбудсман, бошқача айтганда, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқи ва эркинликлари бўйича вакили ҳокимиятга эга эмас, у фақат тавсия бериш ҳуқуқига эга. Яъни, маълум бир жиноят иши ёки бошқа қонунбузарликларни ўрганиб, ўша факт-воқеа бўйича қаерда, қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилгани тўғрисида ўз хулосасини ва уни бартараф этиш бўйича тавсияларини беради. Милиция, прокуратура, суд, ҳокимликлар, вазирликлар ва бошқа давлат ташкилотлари ана шу хулоса ва тавсияларни ваколат доирасидан келиб чиқиб ижро этади.

М: — Ҳамма вақт хулоса ва тавсиялар ижобий ҳал қилинадими?

С.Р.: — Йўқ, албатта. Биз ҳам ўзимизнинг қарашларимиз, яъни ёзган ҳужжатларимиз абсолют ҳақиқат, у юз фоиз сўзсиз бажарилиши керак, деган даъводан йироқмиз. Айни пайтда ўзимиз уни тўғри деб билмасак, бажаришни тавсия қилиб, бошқа бир идорага юбормаймиз ҳам. Шунинг учун, кейинги бўладиган жавоб-ёзишмалар, мулоқотлардан келиб чиқиб, агар бизнинг хулосани рад этувчи жавоблар қониқтирмаса, яна ёзиш, суҳбатлашиш орқали «курашда» давом этаверамиз. «Курашда» сўзини атайлаб қўштирноқда айтишимнинг боиси шуки, Омбудсман бизнинг давлатимизда, жамиятимизда ҳали янги ташкилот, янги тушунча, янги хизмат. Собиқ иттифоқ республикалари орасида Болтиқбўйи ва Грузиядан кейин Омбудсман бизда бешинчи бўлиб жорий этилди, бошқа МДҲ давлатларида ҳали ташкил бўлганича йўқ.

М: — Келинг, шу ерда Омбудсман ўзи нима экани тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўтайлик. Чунки, газетхонларнинг кўпчилиги бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга эмас.

С.Р.: — Тўғри айтасиз, бизга келаётган хатлар, шикоятлар, мурожаатларнинг ой сайин ортиб бораётганини бир томондан мана шу омил — одамларнинг Омбудсман нималигини энди-энди таниб бораётгани билан ҳам боғлиқ деб биламиз. Ўзбекистонимизнинг етти йил мустақиллик даврида эришган энг катта ютуқларидан бири инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш заруратини тушуниб етганлигимиз ва бунинг учун ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиб берганлигимиз эканлигини қониқиш билан таъкидлаш лозим. Ҳозир мамлакатимизда бу соҳада қатор институтлар ишлаб турипти: 1995 йилда Олий Мажлис ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил қилинди. 1996 йилда Президент Фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 1997 йилда эса Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тузилди. Буларнинг бари охир-оқибатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, муҳофаза қилишга қаратилган институтлардир.

Омбудсманга келсак, бу сўз илк бор Олий Мажлиснинг 1995 йил май ойида бўлиб ўтган биринчи сессиясида Президентимиз И. Каримов томонидан тилга олинди, у кишининг таклифи билан Олий Мажлиснинг Инсоннинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш комиссияси ташкил қилинди. Олий Мажлиснинг 1996 йил апрелида бўлиб ўтган VI сессиясида эса биринчи марта «Омбудсман» сўзи янгради. Бу даврга келиб жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистондан чет элларга чиқиб кетган айрим «даҳолар»нинг фуқаролик ҳуқуқи топталаётгани ҳақида гап-сўзлар айланиб қолган эди. Шу тариқа, Вакил Омбудсманга айлантирилди. Яъни, бу лавозимнинг салмоғи ва масъулияти, фаолият доираси оширилиб, жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Бунинг учун биз олимлар, файласуфлар билан биргаликда, БМТ вакиллари иштирокида қатор ривожланган давлатлар Омбудсмани тажрибаси, фаолиятини ўргандик ва улардан энг илғор, мақбул жиҳатларни ўзимизда жорий этиш учун қабул қилдик. Ниҳоят, Омбудсман ҳақидаги Қонун лойиҳаси тайёрланиб, Олий Мажлис сессиясида биринчи ўқишдан сўнг матбуотда эълон қилинди — халқ муҳокамасига қўйилди. 1997 йил апрелда Олий Мажлиснинг VIII сессиясида бу Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг I бандида, Омбудсман фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мустақил институт эканлиги белгиланган.

Ҳозирги даврда бундай институтлар дунёдаги 100 га яқин давлатда бор. Омбудсман тўғрисида эса 130 Қонун мавжуд.

Демак, дунё тажрибаси бўйича, Омбудсман фақат тавсия беради ва бу тавсия албатта бажарилиши шарт.

М: — Тушунарли, Сайёра Шарафовна, бу китобдаги гап. Яъни, Қонунда шундай. Амалда қандай бўляпти, ҳаётда?

С.Р.: — Оғриқли савол бердингиз. Муаммоларимиз бор, саволингиз шулардан бири ва асосийсига тааллуқли. Бу муаммо, айниқса, маъмурий органлар фаолиятига оид аниқ жиноят ишлари бўйича хулоса ва тавсияларимиз билан боғлиқ. Мазкур тизимда тавсия билан муайян бир ишга ўзгартириш киритиш анча қийин кечяпти. Барибир, қийинчилик билан бўлса-да, нималардир қилишга, нималарнидир ўзгартиришга эришаяпмиз. Мусулмончилик аста-секин дейишади-ку. Ҳозир давр, жараён шунақа. Бу ўзгаришларнинг бари кишилар, шу жумладан, лавозимдор шахслар онгининг, дунёқарашининг ўзгариши билан ҳам боғлиқ.

М: — Сизни тушундим. Мен баъзан газетхонларнинг шикояти бўйича суд органларига бориб, ҳукм қонуний кучга кирган жиноят иши билан танишишни сўраганимда, «биз делони ҳатто Сайёра Рашидовага ҳам бермаймиз» деган жавобларни эшитиб, ўзимча бу «даражадан» ранжиганман. «Дело»ни идорага жўнатмаслиги балки қонунийдир, лекин, жавобдаги оҳангда манманлик, тўралик руҳи барқ уриб туриши кишини афсуслантиради. «Мен шунақа зўр амалдорман, қонун менинг қўлимда» деган каби тор дунёқараш ва Қонун ҳақиқатан ҳам баъзан шунақа кишиларнинг қўлидалиги афсусланарлидир. Ҳолбуки, ҳукм қонуний кучга кирган жиноят ишини мухбирга ҳам, Омбудсманга ҳам танишиш учун тақдим этиш лозимлиги тегишли бошқа Қонунларда таъкидланган.

С.Р.: — Муаммони янаям аниқ масалага тақадингиз. Ҳақиқатан ҳам жиноят ишларини чақиртириб ололмаслик шикоят хатларидаги ҳолатларни муфассал ўрганишга изн бермайди. Бироқ, Қонун — биринчи навбатда. Қонунда чақиртириб олишга ҳуқуқимиз йўқ экан, энди жилла қуриса муайян жиноят иши билан вакилимиз суднинг ўзида танишиши учун ҳуқуқий қатъийлаштириб қўйиш ҳаракатини қилаяпмиз.

М: — Суҳбатимизнинг назариётга оид қисми бироз чўзилиб кетди чамаси, қонуний-ҳуқуқий тиклаш бўйича амалда эришган ишлардан бириккита мисоллар айтсангиз.

С.Р.: — Марҳамат. Тошкент шаҳар Миробод туманида яшовчи Ш. Нишонбоева ўғли Бобур Нишонбоевга нисбатан Сирғали туман суди 1997 йил 13 ноябрда беш йилга озодликдан маҳрум этиш ва 500 минг сўм зарарни ундириш тўғрисида ҳукм чиқаргани, Тошкент шаҳар суди жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси жиноятни бошқа моддага малакалаб, Б. Нишонбоевни Амнистияга асосан жазони ўташдан озод қилгани тўғрисида норози бўлиб шикоят ёзган. Ушбу шикоят Вакил (Омбудсман), ҳузуридаги Комиссия ва жамоатчи экспертлар комиссияси томонидан атрофлича ўрганилганда, мазкур жиноят иши тергов ва суд жараёнларида ЖК ва ЖПК талаблари қўпол равишда бузилгани аниқланди. Хулоса Олий судга юборилиши натижасида мазкур жиноят иши Тошкент шаҳар суди Президиуми киритган протест (10.06.98) бўйича барча суд қарорлари нотўғри бўлганлиги учун бекор қилинди ва жиноят иши бошқа таркибда янгитдан кўриш учун Сирғали туман судига юборилди. Шунингдек, фуқаро Н. Приходько вояга етмаган ўғли Ю. Шапавал Яккасарой туман суди томонидан беш йилга озодликдан маҳрум этилганидан норози бўлиб ёзган шикоят хати ҳам ўрганиб чиқилганда, асосли экани аниқланди ва Тошкент шаҳар суди раиси номига тавсия юборилди. Иш шаҳар судининг жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан атрофлича ўрганилиши натижасида вояга етмаганлар В. Шапавал ҳамда Б. Эгамбердиевларга нисбатан ЎзР ЖКнинг 72-моддаси асосида қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланди ва жазо ижроси кечиктирилди.

Кўзга ташланаётган ачинарли бир салбий ҳолат ҳақида айтиб ўтиш лозим кўринади. Бу, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб турли юқори идораларга мурожаат қилганлиги учун маҳаллий идоралар ва маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тазйиққа учраётганлигидир. Бундай ҳодиса эса буни кўриб турган атрофдаги бошқа аҳолида ҳокимиятга, жамиятга нисбатан нохуш, нотўғри кайфият туғдириши мумкинлиги билан хавфлидир. Масалан, Вакилликка фуқаро О. Салаховнинг Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси ходимининг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида берган аризаси Республика прокуратураси томонидан атрофлича текширилганда қуйидагилар аниқланди: 1997 йил 26 декабрь куни фуқаролар М. Жонсаитов, Юнусобод тумани ИИБ тергов бўлими катта терговчиси И. Ўтегенов Тошкент шаҳрининг Шевченко кўчасида жойлашган тижорат дўкони олдида фуқаро Э. Салаховни уриб, унга енгил тан жароҳати етказиб, уни қўрқитиб, М. Жонсаитовдан қарзини талаб қилмаслигини ва унинг уйига бормаслигини уқтиришган. О. Салаховнинг бу воқеа тўғрисидаги маҳаллий органларга аризаси оқибатсиз қолган. Республика прокуратураси томонидан ушбу ҳолат бўйича ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «б» банди билан жиноят иши қўзғатилди ва тергов ҳаракатларини олиб бориш учун шаҳар прокуратурасига топширилди.

Мурожаатларнинг яна бир янги оқими — тадбиркорлардан. Жойларда маҳаллий ҳокимият томонидан турли йўллар билан тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш каби фактлар бўйича хатлар кўп келаяпти. Хусусан, Отчопар бозорида фаолият кўрсатаётган 100 нафарга яқин тадбиркорлар Чилонзор тумани ҳокимининг барча жисмоний шахслар халқ банкида ҳисоб рақами очиши шарт, очмаса тадбиркорлик билан шуғулланмайди, деб 1998 йил 9 мартда чиқарган қароридан норози бўлиб мурожаат қилдилар. Мурожаат Вакил томонидан атрофлича ўрганилди ва қарор қонунга зид деб ҳисобланиб, шаҳар прокурорига юборилганидан сўнг Чилонзор туман ҳокимлигининг ўз ташаббуси билан қарор 1998 йил 26 мартда бекор қилинди.

Худди шунингдек, ҳозир бир қанча тадбиркорлар Конституция ва қонунларга зид деб даъво қилишаётган, яъни ҳокимликнинг 6 ой олдиндан солиқ тўлаш тўғрисидаги қарори юзасидан мурожаатлари ўрганилмоқда. Ахир солиқ тадбиркорнинг даромадидан келиб чиқиб ҳисобланиши керак-ку! Бу қарорнинг қанчалик қонунийлигини аниқлаб бериш мақсадида Республика Конституциявий судига мурожаат қилинди.

Биз Омбудсман (Вакил)нинг фаолияти газетхонларга янада тушунарли бўлиши учун бизга келаётган мурожаат ва шикоятларнинг характерини санаб ўтсак ҳам бўлади: суд ҳукмидан норози бўлганлар, прописка масалалари, меҳнат низолари бўйича, ижтимоий таъминот масалалари, пул жамғармаларини индексациялаш, уй-жой маиший хизмат масалалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари, маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатиш, таълим тизимидаги муаммолар хусусида, суд қарорларининг ижро этилмаётгани юзасидан, тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқи бузилаётгани ҳақида, қўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартириш тўғрисида, хорижий ва халқаро идоралардан турли масалаларда қилинган мурожаатлар.

Булар орасида, такрор бўлса ҳам айтиш лозимки, маъмурий органлар фаолиятидан норози бўлиб ёзилган мурожаатлар бошқа соҳалардагига нисбатан кўпроқ. Албатта, уларнинг ҳаммасини ҳам асосли деб бўлмайди, чунки, қонуний жазоланганлар бўйича жазони енгиллатиш илинжида ёзилганлари ҳам йўқ эмас. Айни пайтда бизнинг ҳуқуқшунос ходимларимиз, жамоатчи эксперт комиссияси аъзолари текширишларидан аниқланаяптики, мурожаатларнинг кўпи — асосли. Жойларда тергов, одил судлов ва қонунийлик назоратини олиб бораётган ходимлар, тизимдаги масъул раҳбарлар Президентимизнинг **«Қимки, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни биров «пишт» деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янглишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят аввало органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўкади, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади»** деган гапларини бот-бот эслаб туришларини жуда хоҳлардим.

М: — Суҳбатингиз учун ташаккур, Сайёра Шарафовна. Жамиятимизда адолатнинг барқарорлигини таъминлаш бош вазифаси бўлган идорага раҳбарлик фаолиятингизда Сизга ҳамиша Адолат ҳамроҳ бўлсин.

Суҳбатдош: Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ

Ҳам таъминот, ҳам хизмат

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитасига қарашли очиқ турдаги «Таъминотчи—Хизматчи» ҳиссадорлик жамияти республикамиз қишлоқ хўжалиги техникаларини зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаб келади. Шуниси аҳамиятлики, қишлоқ хўжалигини, айниқса, пахта ва ғаллани экишдан тортиб йиғиштириб олишгача бўлган мавсумни техникасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тан олиш керак, бугунги кунда мавжуд техникаларнинг кўпгина қисми эскирган ёки эҳтиёт қисмларга муҳтож (истиқлолга эришган даврдан кейинги йилларда келтирилган замонавий чет эл техникалари бундан мустасно). Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва янги техникаларни жорий этишда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» қўмитаси фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ана шу қўмитага қарашли «Таъминотчи—Хизматчи» ҳиссадорлик жамияти бу борада жонбозлик кўрсатаётир.

Биз шу корхонада бўлганимизда қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур бўлган юзлаб турдаги эҳтиёт қисмлари омборхоналарни тўлдириб турганининг гувоҳи бўлдик.

—Биз бу ердаги барча эҳтиёт қисмларни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан келтирганмиз.— дейди жамият бошқаруви раиси Аълан Махарамов биз билан суҳбатда.— Албатта, бу иш ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Ўзаро тузилган шартномага мувофиқ уч ой муддат ичида тўлов қийматлари амалга оширилиши керак. Биз бунга эришаяпмиз ҳам. Аммо баъзи ташкилот ва хўжаликларнинг тўлов имконияти бўлмаганлиги туфайли биз МДҲ давлатларидан қарздор бўлиб қоляпмиз. Аниқ далиллар билан келтирадиган бўлсак, дебитор қарзларимиз миқдори 500 миллион сўм, кредитор қарзларимиз ҳам шу қиймат атрофида. Ҳозир омборларимизда 250 миллион сўмлик техника эҳтиёт қисмлари мавжуд. Хўжалик ва ташкилотлар пул ўтказиш йўли билан ўзларига зарур нарсаларни харид қилиши мумкин.

Дарвоқе, корхонанинг тўрт омборида қишлоқ хўжалик техникалари учун шиналар, ременлар, мотор, ғилдирак қопламалари, турли механизм асбоблари ва шунга ўхшаш ўнлаб турдаги эҳтиёт қисмларини истаганингизча топишингиз мумкин.

—Биз вилоят ва туманлардаги МТПларга келтирган маҳсулотларимизни арзон нархда етказиб берамиз, — суҳбатга қўшилади учинчи омбор мудири Ҳамид Гусеинов. — Шу пайтгача сотган маҳсулотларимиздан бирон киши ранжиб келгани йўқ. Аксинча, талаб кунданкунга ортиб бормоқда.

Корхона жорий йил мобайнида бир миллиард сўмлик маҳсулот келтирди. Бу маҳсулотлар асосан пахта ва буғдойдан бўшаган ерларда шудгорлаш ишларини амалга оширишда фойданилмоқда. Хусусан Т—4 ҳамда янги «Магнум» техникалари учун зарур шиналар етказиб берилмоқда. Бундан ташқари омборларда шоли экиш ва йиғиштириб олишда қўлланиладиган махсус агрегатлар, кўчат экиш кассеталари, комбайнлар ва турли техникалар учун акумуляторлар ҳам мавжуд.

Биз корхонага ташриф буюрганимизда, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги нишонланаётган экан. Уни жамоа аҳли зўр қувонч билан кутиб олди.

—Конституция ҳам истиқлол берган неъматлардан бири, — дейди корхона ишчиси Худойберган Икромов.—У бизнинг келажагимизни таъминлайди, фаолиятимиз учун ҳуқуқий асос —пойдевордир.

Ҳақиқатан ҳам корхона ишчилари истиқлол билан ҳамқадаму ҳамнафас. Уларга манфаатдорлик ва моддий ёрдам бирдек таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Таъминотчи—Хизматчи» ҳиссадорлик жамияти республикамиз қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур эҳтиёт қисмларини етказиш ва таъминлаш борасида ижобий натижаларни қўлга киритмоқда.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватан байроғини баланд тутиб

Бугун Бангкокда XIII Осиё ўйинлари тантанали очилади

Йигит-қизларимизнинг тўрт йиллик машқлари, орттирган маҳоратлари миллионлаб мухлислар нигоҳида, етук мутахассислар кузатувида имтиҳонланади. Маълумки, дунёвий тараққиёт сари собит одим ташлаётган Ватанимизда ёшларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол бўлишларига алоҳида эътибор қилинмоқда. Мустақилликнинг етти йили мобайнида спортнинг кўпгина турлари, айниқса, бокс, кураш, шахмат, футбол бўйича юқори натижаларга эришилди. Бўлажак спорт байрами арафасида мухбиримиз Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир МАҲСИТОВ билан учрашиб, Осиё ўйинларига тайёргарлик, ёшларга яратилган шарт-шароитлар, кўрсатиладиган натижалар хусусида сўзлаб беришни сўради.

— Маълумки, ёшларимиз йирик спорт анжуманларида ўз маҳоратларини намойиш этиб, ўзига хос синовдан ўтадилар ва Ватан ифтиҳорини дилларига туйиб, мамлакатимизнинг халқаро нуфузининг, янада ортишига ҳисса қўшиб келмоқдалар. Сирасини айтганда илгари қоракўз йигит-қизларнинг эмин-эркин жаҳоний мусобақаларга йўл олишлари амримаҳол бўлган. Мана энди ўз юртининг чин ўғлони, деб билган ҳар бир йигит халқаро майдонларда олқиш олишга лойиқ бўлиб турибди. Мустақиллик йилларида спортчиларимиз халқаро мусобақаларда, олимпиада ўйинларида мовий-яшил байроғимизни янада баланд кўтаришга астойдил ҳаракат қилдилар. Футболчиларимизнинг Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида чемпион бўлганини ҳамон ифтихор билан эслайдилар.

Сирасини айтганда Осиё ўйинларида иккинчи марта қатнашаётган бўлсакда, бу сафар аввалгисига қараганда масъулиятни кўпроқ ҳис этаётгандекман. Боиси бу борада тажриба тўплаганимиз билан баробар ғолибликка иштиёқ ҳам зўр. Ғалаба эса ўз-ўзидан бўлавермайди. Ундан кейинги тўрт йил ичида спортга бўлган талаб ҳам, муносабат ҳам ўзгарди. Демоқчи бўлганим жисмоний тарбия ва спорт соғлом авлодни камол топтиришнинг муҳим омили саналади ва у маънавиятимизнинг янада бойитишга ҳисса қўшади. Ютуқларимиз шундаки, бу сафар Хиросима мусобақаларига нисбатан икки баробар кўпроқ, яъни 246 нафар кишилик делегация билан Бангкокка боряпмиз. Шундан 185 нафари спортчилар. Мусобақалар эса спортнинг 40 тури бўйича ташкиллаштирилади. Бу гал биринчи марта боскетбол, бильярд, ушу, каратэ, қиличбозлик, академик эшкак эшиш баҳслари бўйича спортчиларимизни мусобақага шайладик. Умуман эса, спортнинг 23 тури бўйича вакилларимиз совринли ўринлар учун куч синашишлари кўзда тутилган.

Катта мусобақа арафасида федерация раҳбарлари тренер ва мутахассислар даврасида ўзаро ички имкониятларимизни чамалашга уриниб кўрдик. Уларнинг таъкидлашича, бу сафарги ютуқларимиз чакки бўлмайди. Биргина боксчиларимизнинг ўзи иккитадан олтин, кумуш ва бронза медаллари олишлари кутилмоқда. Тўрт йил аввал эса Хиросимадан 40 та медаль билан қайтган эдик. Ўшанда ўнта олтин, 11 та кумуш, 21 бронза медалларига эга бўлгандик. Умумжамоа ҳисобида 5-ўрин эгалланган. Бу гал эса камида 3-4-ўринларга даъвогарлик қиламиз. Албатта, спортнинг кўпгина турлари бўйича бизларга кимлар рақобатчилик қилиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Япония, Корея, Хитойда кейинги йилларда спорт анча ривожланди. Араб мамлакатлари эса ҳозирча футболчилари билан фахрланиб туришибди. Марказий Осиё давлатлари орасида Қозоғистон мукофотли ўринларга даъвогар бўлиши мумкин. Агар ана шу мамлакатлар билан ўзаро баҳсларда юзимиз ёруғ бўлса, муродимиз ҳосил бўлиши ҳеч гап эмас.

Ўйлайманки, Осиё ўйинларига йўлланма олган ҳар бир спортчимиз ўз олдига аниқ мақсад қўйган. Мисол учун велопойгачи, жаҳон чемпиони Фатма Галиулина ёки оғир атлетикачи Улуғбек Маҳмудовлар юзимизни ерга қаратишмайди. Ёки боксчиларимиздан ҳаммага маълум ва машҳур бўлиб кетган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Наримон Отаев, Лазиз Зокиров, Темур Тўляков, Дилшод Ёрбеков кабилар рингда астойдил курашиб, Ватан байроғини мадҳиямиз садолари остида баланд кўтарилишига эришадилар, деб турибмиз.

Эркин кураш усталари Равиль Исломов, Аҳмаджон Очилов, Игор Купеев ёки юнон-рум усулида беллашувчи Дилшод Орипов, Григорий Пуляев, Баҳодир Қурбоновлар ман-ман деган ҳолвонлар курагини ерга текказишга қодирлардан саналади. Энг тажрибали гимнастикачилар сафидан ўрин олиб, халқаро майдонда танилган Оксана Чусовитина яна бир бор маҳорат кўрсатиб, олқиш олиши кутилмоқда. Ўлкамизда дарё, кўллар кам саналса-да спортнинг эшкак эшиш тури бизда яхши ривожланган. Эшкак эшувчиларимиздан Владимир Казанцев, Константин Яшин, Ирина Ляпина, Нина Исакова, Сергей ва Владимир Шоисломовларнинг маҳорати айни тобига етган. Олег Огородов, Вадим Куценко, Дмитрий Томашевич, Ирода Тўлаганова каби теннисчиларимизнинг номлари хорижий элларда оғизга тушгани сир эмас. Шунингдек енгил атлетикачиларимиз ҳам умумжамоа ҳисобида муносиб мавқега эга бўлишимизда, медалларимиз шодаси кўпайишида ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Осиё ўйинларига тайёргарлик алоҳида дастур бўйича олиб борилди. Спортчиларимизга зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, енгил атлетика ва хоккей бўйича жамоалар машқларини Бангкокда оширишган бўлишса, велосипедчилар Малайзияда маҳорат оширдилар. Сув тўпи усталари Москвада бўлиб, бир қатор учрашувларда ўз имкониятларини синадилар. Эшкак эшувчилар Сингапурга бориб келишди. Мухлислар футболчиларимизга катта умид боғлашаётгани бежиз эмас. Сабаб улар Осиё ўйинларида чемпион жамоа ҳисобида майдонга тушдилар. Албатта, чемпионликнинг ўзига хос юки бўлади. Бундай масъулиятни футболчиларимиз ҳис этиб туришибди. Улар Хитой, Таиланд ва Ҳиндистон сафарларида бўлишиб, ўртоқлик учрашувларида устувор бўлишга интилдилар. Терма жамоамиз устози Убиржа Вега да Сильва йигирма нафар футболчидан терма жамоани таркиб топтирди. Улар орасида дарвозани дахлсиз сақлаш устаси Павел Бугало, ҳимоячилардан Рустам Шоимардонов, Бахтиёр Қамбаралиев, ярим ҳимоячилар Миржалол Қосимов, Николай Ширшов ва ҳужумчилар Игорь Шквирин, Андрей Акопянцлар яшил майдон узра ҳужумкор тўп суришга чоғланганлар. Улар дастлабки саралаш учрашувларини ниҳоясига етказишди.

Албатта, катта тадбирга шунчаки ҳозирлик кўриб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма нарса молиявий харажатларга бориб тақалади. Аввало, давлатимиз бу борада камарбасталик қилди. Қолаверса саховатпеша ҳомийлар қараб туришмади. Жумладан, Малайзиянинг «Адмирал» фирмаси барча спортчиларимизни кийим-бош билан таъминлашни эплаб берди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, спортчиларимиз ой юлдузли байроғимиз тимсолида кийинишади. Биз ана шундай жаҳон андозаларига мос кийим-бошларда бошларимизни тик тутиб, байроғимизни баланд кўтариб, юртимиз номини улуғлаб барча қатнашчилар қатори дадил қадам ташлаб ўтишга аҳд қилганмиз. Бир сўз билан айтганда Осиё ўйинларидан ёруғ юз билан қайтишга ҳаракат қиламиз.

суҳбатдош
Ҳайдар НОСИРОВ

Мактаб-интернатга хорижликлар совғаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг олти йиллиги арафасида Тошкентдаги кўзи ожиз ва яхши кўрмайдиган болалар махсус мактаб-интернатида ўзига хос тантана бўлиб ўтди. Бу сафар меҳмонлар турли совғалар билан келишди. Улар ногирон болаларга Марказий Осиёда ҳозирча ягона бўлиб турган Брайл тизимидаги дисплей ва принтерли компьютер тортиқ қилишди. Бундан ташқари кўзи ожиз болалар учун Брайл шрифтли 88 та машинка ҳам келтирдилар. Айни пайтда бу ерда 400 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Ёшларга ўқув техникасидан ташқари ажойиб офтальмология хонаси ҳам тақдим этилди. Унга ўрнатилган «Карл Цейсс Йенс» автоматик рефрактометрига ҳар бир офтальмолог ҳавас қилади. Бундан ташқари 70 та лупа болалар ихтиёрида.

Ушбу хайрия тадбири «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, Германиянинг дунёга танилган «Карл Цейсс Йенс» ва Япония ҳукумати ҳамкорлигида амалга оширилди.

Валерий ХАРИТОНОВ олган суратлар

«Кобра»лар Бухарестда ишлаб чиқарилади

«Кобра» жанговар вертолётларини Туркия билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш лойиҳаси айни пайтда синовдан ўтказилмоқда. Бу ҳақда Руминия Президенти Эмиль Константинеску туркиялик ҳамкасби Сулаймон Демирэл билан музокараларнинг якунида айтди. Гап Руминия авиасозлик мажмуасига ётқизилаётган йирик сармоялар ҳақида боряпти. Бинобарин, ушбу мажмуа Американинг АН-1W «Кобра» (маҳаллий номи «Дракула») жанговар вертолётларини ўзлаштиришга бир неча йиллар давомида уринди. Лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Белл Хеликоптерс фирмаси билан ҳамкорликдаги ишлари учун 2 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфланиши керак. Руминия бюджети эса, бундай харажатни кўтара олмайди. Шу боис ҳам, руминлар пулсизлик шароитида турклар билан ҳамкорлик қилиб ўзларининг вертолёт паркларини тўлдириб олишмоқчи. Анқара эса, руминларга 145 жанговар машина учун буюртма берди. Бироқ бунда ишлаб чиқаришда тенг шериклик усулида ҳамкорлик қилинади.

Янги режа

Американинг Косово ўлкасидаги вакили Кристофер Хилл Белграддаги Сербия раҳбарларига ўлкадаги вазиятни барқарорлаштиришнинг қўшимчалар киритилган янги лойиҳасини топширди. Хиллнинг сўзларига қараганда, ушбу ҳужжатда Сербия ва Альбания расмий кишиларининг фикрлари инобатга олинган. Учинчи Югославия Республикасини ташкил этиш ушбу лойиҳада кўзда тутилмаган. Лекин Косовонинг келажаги қандай бўлиши кўрсатилган. Эндиликда Косоводаги можаро тинч йўл билан ҳал бўлишига умидлар бор.

Лордлар палатасида инқироз

Буюк Британия парламентининг лордлар палатасида юз берган инқироз консерваторлар партиясининг раҳбари Вильям Хейгнинг аҳволига жиддий таъсир қилиши мумкин. Кўпчилик сиёсатчилар ва кўпгина фракцияларнинг раҳбарлари ҳамда консерваторлар партиясининг айрим аъзолари шундай фикр билдиришмоқда. Лордлар фракцияси раҳбарининг ўринбосари Фрейзердан сўнг яна беш нафар таниқли лорд истеъфога чиқишди. Улар Хейг томонидан виконт Крэнборннинг ишдан бўшатилишига қарши норозилик сифатида шундай қилишди. Бинобарин, Крэнборн Хейгнинг рухсатсиз лордлар палатасини ислоҳот қилишга доир масалалар юзасидан лейбористлар ҳукумати билан музокара юритган эди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган 759 лорддан айни пайтда палатада бор-йўғи 91 киши қолди. Хейг эса ҳамон ўз лавозимида ишламоқда. Чунки ҳозир унга муносиб ўринбосар топилгани йўқ.

Расмий байрам қилинади

Куба компартияси Рождество байрамини мамлакат бўйлаб расмий тантанага айлантирмоқчи. Фидель Кастро раҳбарлигидаги давлат кенгаши сиёсий бюронинг 25 декабрни миллий байрам, деб эълон қилиш ҳақидаги таклифини тасдиқламоқчи.

Савдо айланмаси камайди

Халқаро савдо ташкилоти вакиллари ўтиб бораётган йилда Осиёда юз берган молиявий инқироз савдо айланмасининг кескин камайишига олиб келди, дейишмоқда. Умумжаҳон савдо ташкилотининг йиллик ҳисоботида айтилишича, савдо айланмасининг ўсиши тенг ярмига қисқариб кейинги беш йиллик даражасидан анча пастдир. Ҳисобот тузувчиларнинг фикрича, агар Осиё мамлакатлари молиявий инқироздан қанча тез қутулишса аҳвол шунча яхши бўлади. Шундагина Европа ва АҚШдаги иқтисодий ўсиш сақланиб қолади.

Кофи Аннан Ливияга келди

БМТ Бош котиби Кофи Аннан кеча Ливияга келди. Бу Ливия Президенти полковник Каддафи билан Локерби иши юзасидан келишиб олмоқчи. У Ливия раҳбарияти Шотландиянинг Локерби шаҳарчаси устида 1989 йилда Америка авиалайнерини портлатишда гумон қилинаётган икки ливияликни ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига топширади, деб умид қилмоқда. Бунинг эвазига БМТ бундан олти йил аввал Ливияга нисбатан қўлланила бошланган иқтисодий жазо чораларини бекор қилмоқчи. Агар Кофи Аннан келишувга эришиш имконияти аниқ бўлмаса Ливияга бормас эди, деб таъкидлайди Би-Би-Си мухбири.

Портлаш қурбонлари

Туркиянинг жанубишарқидаги унча катта бўлмаган Лидже шаҳрида куни кеча бўлиб ўтган портлаш натижасида бир аёл қурбон бўлди ва ўн киши яраланди. Бу ҳақда Анадолу ахборот агентлиги хабар қилди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари бу ишни террорчилар амалга оширган деб тахмин қилишмоқда. Курдистон ишчи партияси бу портлашни ташкил этган бўлиши мумкин, дейилмоқда. Ярадорлар орасида турк ҳарбий хизматчиси ҳам бор.

Кулиб ўлмай қолди

Бу воқеага ўттиз йилча бўлди. Америкалик тиббиётчи ёш олим Норман Казинсни ҳамкасблари бедаво дардга чалинган деган хулосага келишди. Ёш, бақувват йигит тез кунда дармонсизланиб тўшакка бутунлай михланиб қолди. Ҳафта ўтмай гавдаси ҳаракатдан тўхтади. Ҳатто бошини, оёқ-қўлларини қимирлатолмасди.

Жарроҳ Уильям Хитциг беморга қўйилган даҳшатли ташхисни тасдиқлади: рак. Бемор тушкунликка тушди. Кун бўйи туз тортмай, деворга юз бурганча қимир этмай ётарди. Бир куни у шифокоридан сўради: нима қилсам тирик қоламан!

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, тиббиётчисиз, — шафқатсизларча деди жарроҳ. — Менинг иш тажрибамда 500 нафар шундай бемордан биттаси омон қолганди.

Йигитнинг қалбида ўжар бир туйғу уйғонди: иккинчи тирик қолган мен бўламан.

Тиббиётчилар бардам, хушкайфиятда, кулиб юр дея далда беришди. Бемор дори-дармонни бас қилди. Тиббиётдаям бу нарса тасдиқланган: кўтаринки кайфият одам организмидаги, мия ҳужайрасидаги касалликка қарши курашиш «заҳира» кучини кучайтиради. Шифохонадан чиққан «умидсиз бемор» ўйлаб-ўйлаб дарддан фориғ бўлиш йўлини топди. Комедия жанридаги фильмларни томоша қиладиган бўлди. Ўзи сезмаган ҳолда қотиб-қотиб кулар, бу — дардни эсдан чиқарарди. Икки соатлаб оғриқни сезмай қолганиниям билмасди. Сўнгра хизматкор аёл унга ҳажвиялар, латифалар ўқиб берадиган бўлди.

Норман энди бу «кулгу даво»га шунчалик берилиб кетдики, ҳатто нима учун кулаётганини унутди. Бари табиий кечаётгандай туюларди. Бир ойда бармоқлари, сўнгра боши қимирлай бошлади. Ойлар ўтди гавдасини «кўтарадиган» бўлди. Йил ўтмай соғайиб, ўзини отдек ҳис эта бошлади.

Ҳозир Казинс машҳур руҳшунос олим, Калифорния университетида ишлайди. «Кулиб ўлмай қолган» деб қўйишади уни билган, эшитганлар латифаномо қилиб.

— Соппа соғман, — дейди Норман. — Лекин кулгуни бас қилганим йўқ. Комедия, ҳажвия хоббимга айланиб қолди. Қизиғи, хўмрайган, тунд башара одамни кўрсам ним табассум қилдирмагунча кўнглим жойига тушмайди... — у шундай деб репортёрларнинг қўлини шундай қаттиқ қисадики, «Ҳақиқатан ҳам бунинг ҳўкиздай кучи бор экан» деб қўйишади, «ўлади» деган беморнинг юзига ҳайрат аралаш қараб.

— Кулиб юринг, ҳечам ўлмайсиз! -икки гапнинг бирида қайтаради руҳшунос олим. Бу қанчалар рост, синаб кўринг. Сиз дардманд эмассиз, барибир табассум қилинг. Жилла қурса сизни кўрган кимсанинг руҳи кўтарилиб, беихтиёр ним табассум қиладику, ахир. Шуниси керак ҳаммамизга.

Саида ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади

Ўзини ўзи посилка қилиб жўнатди

Ҳа, ишонаверинг, иқтисод деганлари шу бўлса керак-да. Америкалик Скотт Харнер 160 километр узоқда яшайдиган оғайнисиникига бормоқчи бўлди. Бироқ йўл харажатига ичи оғриди. Шунда миясига «ўзимни посилка қилсамчи» деган фикр келди. Дарров ўтириб хомчўт қилди. Тузук, ҳар қалай ўзи очиқда боргандан кўра, посилка арзонга тушар экан. Ва шундай қилиб 90x90x180 сантиметр ҳажмда посилка ясаб, манзилларини ёзди, ҳатто посилкани тўғри қўйиш учун оғоҳлантирувчи белгилар ҳам чизди. Сўнг ичига ўзи кириб, қўшнисига «михлаб, почтага олиб бориб топшир»ишни буюрди. Дарвоқе, ўзи билан бирга озгина егулик, яхна ичимлик ва ҳар эҳтимолга қарши «тувак»сифат идишни ҳам олволди.

Қисқаси, ноёб посилка манзилга бир кеча-кундузда етиб борди. Скотт ҳозир почта ишидан мамнун. «Ахир посилкани юклаётганда ё тушираётганда итқитишмади, оёқни осмондан қилиб қўйишмади, посилка юзидаги огоҳлантирувчи белгиларга қаттиқ амал қилишаркан» дейди Скоттнинг ўзи.

Ўзига хос ариза

Фақат қаттиқ туриб талаб қилиш натижасида детройдлик 4 фарзанднинг отаси Жон Микс ва ниҳоят ўз ишхонасига қайта қабул қилинди. Ишга тикланса нима бўпти, дейишингиз мумкин. Бироқ гап бошқа ёқда.

Жон бир ой давомида қурилиш компаниясига «Ишга қабул қилинг, илтимос» деб роппа-роса 2500 та ариза ёзди. Аризаси ҳам ўзига хос бўлди, яъни ҳар ариза ёзганда «илтимос» сўзини биттадан кўпайтириб бораверди. Шундай қилиб бу сўзлар юз саҳифага етди.

Компания Микснинг ўрнига бошқа одамни ишга қабул қилиб қўйганди. Шунинг учун бўш ўрин йўқ эди. Аммо раҳбарият Микснинг аризаларини инобатга олиб, янги иш ўрнини жорий этди, яъни почта жўнатмаларини сараловчи қилиб ишга олди.

«Тақдирим ғўр, пешонам шўр экан»

Парагвайлик Мария Кортес ҳозир 72 ёшда. Бизнингча, унинг тақдири ҳеч кимникига ўхшамаган, дунё бўйича ягона бўлса керак. Пешонаси шўрлигини ўзи ҳам тан олади. Негаки, 9 марта эрга теккан бўлса, шу 9 эри ҳам қилган жиноятлари учун суд томонидан ўлим жазосига маҳкум этилган. Масалан, биринчи эри бўлмиш Хуан Моран ғирт каллакесар эди. Ўзининг икки душманини ўлдиргани учун, иккинчи эри Хосе Санчес эса Мариянинг ўйнашини ўлдиргани учун олий жазога ҳукм қилинган. Қолган етти эри ҳам аввалги «кундошлари» йўлидан борган.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

Радиотўлқинда юрак уриши

Японияниг Дзифу шаҳридаги радиостанциянинг дастури ҳозирча дунёда йўқ. Қизиғи шундаки, дастурга кўра, радиостанция 24 соат давомида инсон юраги уришининг овозини беради. Ҳозирги кунда унинг ҳам ўзига хос эшитувчилари пайдо бўлган. Уларнинг сўзларига қараганда, «юрак мусиқаси» организмга ижобий таъсир этиб, юрак уришини маромга солар ва киши руҳини тетиклаштираркан.

Ярим йилда 20 марта

Лондон аслида уятсизлар макони эмас. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек... ҳамма ҳар хил-да.

Лондонлик 24 ёшли Рона эрга тегишниям «қойил-мақом» қилиб юборди. Ярим йилда ҳе йўқ-бе йўқ 20 марта эрга тегиб чиқса бўладими?! Бунинг устига барчаси расмий қайд этилганига нима дейсиз.

Рона шу йўл билан ўзининг молиявий аҳволини ҳам тиклаб олди. Ахир ҳар бир эр билан ажрашганда мол-мулк тенг иккига бўлинаверди-да.

Азиз ватандошлар!

Тошкент вилояти газлаштириш бошқармаси жамоаси

Ўзбекистон Конституцияси байрами муносабати билан мамлакатимиз халқини чин дилдан муборакбод этади.

БИЗ аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшаётганлигимиз билан фахрланамиз.

Чунки, бу ўтган қисқа давр мобайнида вилоятда мислсиз аҳамиятга молик — аҳолини газ билан таъминлаш борасида катта кўламдаги ишлар амалга оширилди. Комусимизнинг 6 йиллиги айёмини янги-янги уй-жойларда «зангори олов» билан кутиб олаётганларга қувонч улашаётганимиздан хурсандмиз.

Конституциямиз асрлар оша, авлодлардан-авлодларга янги куч, ҳар бир фуқаронинг эркин-озод яшашларида илҳом манбаи бўлиб қолсин!

«Тошвилоятгаз» бошқармаси

Ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банки

«ПАХТА-БАНК»

Минг йиллик орзу, умидли манзил, ҳаёт ва истиқбол, ҳар қандай тараққиётнинг пойдевори ва асоси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллиги билан бутун Ўзбекистон халқини қутлайди. Нурли келажак, фаровон турмуш барчамизга насиб этсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

«Камолот — мўъжиза»

Ахборот, реклама, илмий ишлаб чиқариш ва маданий хизмат кўрсатиш маркази ёшларни журналистика ихтисослиги бўйича олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган 6 ойлик курсга тингловчилар қабул қилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ТошДУнинг етакчи ўқитувчилари олиб боришади.

МАНЗИЛИМИЗ
«Ёшлик» Талабалар шаҳарчаси, Талабалар кўчаси, 54. 1-қават, 1-хона ТошДУ журналистика факультети, 107-хона.

☎ 46-63-24. 125-06-27

Муҳтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви Халқ банки томонидан муомалага чиқарилган «Оила қувончи» лаҳзали пул ютуқли лотереяси бўйича ютуқли лотерея билетларини тўловга қабул қилиш муддати лотереянинг шарт ва қоидаларига асосан 1999 йилнинг 15 январигача белгиланганлигини маълум қилади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

Муҳтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви Халқ банки (Жамғарма банки) томонидан муомалага чиқарилган Депозит (Жамғарма) сертификатларини тўловга қабул қилиш муддати 1999 йилнинг 10 январигача белгиланганлигини маълум қилади. Ушбу муддат тугагандан сўнг сертификатлар ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси

1998 йил 10,11 ҳамда 12 декабрда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот ва корхона раҳбарларини, ходимларини 1999 йил учун енгил саноат товарлари улгуржи савдо республика ярмаркасида иштирок этишга таклиф этади.

Ярмарка қуйидаги манзилда ташкил қилинади: Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 45. Мўлжал: Тўқимачилар саройи. Маълумот учун телефон: 53-19-05

Тошкент шаҳар Тиббий-биологик агро-экологик муаммолари К ва Ко институти ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ**
Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Мурожаат учун телефон: 92-49-39

Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган «Интил-Нур» хусусий фирмаси ўз фаолиятини **ТУГАТАДИ**
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-89.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004
Газета офсет усулида. А—2 форматида. 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0592

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.15
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА